# МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙЛАШТИРИШДА ТАСВИРИЙ ФАОЛИЯТНИНГ АХАМИЯТИ

**Наргиза Хужаназарова**

Кукон ДПИ катта укитвчиси

**Мирзиёдова Нозанин**

Кукон ДПИ 2-курс талабаси

**Аннотация.** Ушбу мақолада мактабгача ёшдаги болаларни ижтимоийлаштиришда тасвирий фаолиятнинг ахамияти баён этилган.

**Калит сўзлар:** тасвирий фаолият, ижтимоийлаштириш, узлуксиз таълим, лойиҳалаш.

Ижтимоий ҳаётнинг тобора ахборотлашуви ҳамда ижтимоий муносабатлар мазмунининг мураккаблашуви ёш авлодни ижтимоийлаштириш долзарб педагогик муаммо сифатида кун тартибига чиқмоқда. Ижтимоийлашув шахснинг жамиятда кечаётган ижтимоий муносабатларга мослашишини англатади. Шахснинг ижтимоий муносабатларга мослашуви унда жамият томонидан тан олинган маънавий-ахлоқий қадриятларга содиқлик, умуминсоний ғояларга ҳурмат кўрсатиш ҳамда салбий ижтимоий таъсирларга нисбатан бардошли бўлиш каби сифатларнинг таркиб топишини англади.

Глобал ахборотлашув шароитида турли миллатлар ўртасида ўзаро алоқаларнинг тобора ривожланиши ҳамда Ғарб ва Шарқ маданиятининг синтезлашуви Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ҳаётида ҳам ўзгаришлар содир этилишини таъминламоқда. Бироқ, жаҳон майдонида содир бўлаётган ижобий жараёнлар билан бирга салбий ҳодисалар жамият ҳаётида бирдек ўз аксига эга бўяпти. Республика ижтимоий тараққиётига салбий таъсир ўтказаётган ҳолатларга нисбатан иммунитетга эга, турли рақобатларга бардошли шахсни тарбиялаш ва уни ижтимоий муносабатларга мослашишини таъминлаш  ўзига хос долзарблик касб этмоқда.

Шахснинг ижтимоийлашуви узоқ муддатли, мураккаб, диалектик ва динамик хусусият касб этувчи ижтимоий-психологик ҳодиса бўлиб, унинг муваффақиятли кечишида узлуксиз таълим босқичлари ва уларда ташкил этилаётган ижтимоий-педагогик фаолият муҳим аҳамият касб этади. Республика узлуксиз таълим тизимининг энг қуйи бўғини бўлган мактабгача таълим муассасаларида ташкил этилувчи таълим-тарбия моҳияти шахснинг ижтимоийлаштирилишида бошланғич асос саналади.

Мактабгача таълим ёши болаларини ижтимоийлаштиришда уларни тасвирий фаолиятга йўналтириш, бу турдаги фаолиятни ташкил этишларига раҳбарлик қилиш муҳим аҳамиятга эга. Мактабгача таълим ёши болаларининг тасвирий фаолиятларида асосан лой, пластилин, қоғоз, рангли ва рангсиз қаламлар асосий воситалар бўлиб, улар ёрдамида яратилган ижод намуналари ижтимоий борлиқ, атроф-муҳитга бўлган муносабат мазмунини ифодалашга хизмат қилади. Тасвирий фаолият орқали мактабгача таълим ёши болаларининг ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, орзу-истаклари ва интилишлари намоён бўлади. Болани фаол расм солиш, лой ва пластилиндан нарсалар, аппликациялар ясаш ва лойиҳалаштиришга ундаш натижасида унда ўйинлар ва ўқишнинг асосий кўникма ва малакалари шаклланади, ижодий қобилият ривожланади.

Мактабгача таълим ташкилотларида тарбиялаш жараёнида болалар тасвирий санъатнинг ранг-баранг турлари: ранг-тасвир, ҳайкалтарошлик, графика ва амалий санъат билан танишадилар. Болаларда бадиий қобилиятни ривожлантириш уларни табиат, атроф-муҳит, атрофда кечаётган ҳаракатларни кузатишга ўргатади.

Тасвирий фаолиятни ташкил этиш орқали болалар яқинларига, оила аъзолари (ота-онаси, буви-бувалари, ака-укалари, опа-сингиллари, ўртоқлари)га  турли совғаларни тайёрлаш имкониятига эга бўладилар. Бунинг оқибатида уларда "атрофдагиларга нисбатан эътибор, уларга қувонч улашишни ўрганадила. Табиий материаллар билан ишлашда эса мактабгача таълим ёши болалари табиат неъматларини қадрлаш, уларни асраш кўникмаларини ўзлаштириш билан бирга табиат гўзалликларини англай бошлайдилар.

Расм солиш мактабгача таълим ёши болалари томонидан ташкил этилувчи тасвирий фаолиятнинг етакчи йўналиши ҳисобланади. "Расм солиш жараёнида боланинг фазовий тасаввурлари: бутунни қисмларга ажратиш, буюмнинг фазодаги ҳолатини аниқлаш, шунингдек, боланинг рангни бутун хилма-хиллиги билан  идрок қилиш малакалари шаклланади. Тасвирий фаолиятнинг бошқа турлари  каби расм солиш буюмнинг типик тузилиши, буюмлар хоссаларининг эталонлари ҳақидаги тасавуурларнинг, сенсор тажрибани умумлаштиришда уларни қўллаш малакаларининг ҳосил бўлишига ёрдам беради.

Мактабгача таълим ташкилотларида болаларни расм солишга ўргатиш, уларда расм солиш кўникмаларини ривожлантириш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

1) табиат ва атроф-муҳитни кузатишга асосланган ҳолда расм солиш;

2) амалий расм солиш (муайян предметларнинг четларига турли кўринишдаги чизиқларни тортиб безак бериш);

3) мавзуий-сюжетли расм солиш;

4) бадиий (мультфильмлар, болалар учун мўлжалланган бадиий фильмлар ва эртаклар) қаҳрамонларининг расмларини солиш.

Расм солиш орқали болалар рангларни ажратиш, турли буюм ва предметларнинг шаклини, рангини ҳажмини фарқлаш, гўзалликлардан завқ олишга ўрганадилар.

Махсус манбаларда қайд этилишича, тасвирий фаолиятнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида мактабгача таълим болаларини лойиҳалашга ўргатиш уларнинг ақлий жиҳатдан ривожланишларига ёрдам беради ҳамда ижтимоий муносабатларга самарали тайёрланишларига кўмаклашади. “Тайёр ва ярим тайёр деталлар ёки материаллар (қурилиш-конструкция (лойиҳалаш)га доир гелметрик материал, металл ёки ёғоч конструкторлар, қоғоз, ёғоч, картон ва ҳоказолар)дан буюмлар ясаш конструкциялаш (лойиҳалаш) деб аталади . Лойиҳалаш мураккаб жараён бўлиб, “Мактабгача таълим педагогикаси”да уни ташкил этишда маълум шартларга риоя қилиш талаб этилиши кўрсатилган. Улар қуйидагилардан иборатдир:

1) моделни кўриб туриб уни айрим қисмларга ажратиш ва уларни мавжуд деталлар билан таққослай билиш;

2) конструкцияланадиган буюмни – унинг яхлит қиёфасини, айрим қисмларини ва уларнинг ўзаро муносабатларини мақсадга мувофиқ равишда идрок этиш;

3) буюмни унинг деталларида, турли хил фазовий ҳолатларда тасаввур эта билиш;

4) фазовий муносабатларда аниқ уюштира билиш;

5) деталлар ва материалларнинг тузилиш имкониятларини баҳолаш;

6) ишларни мияда режалаштириш ва кейинчалик уларни амалий режага кўчириш;

7) конструкциялаш (лойиҳалаш)нинг боришини баҳолай билиш, тасаввур қилинган буюмнинг вазифаси ва умумий қиёфаси нуқтаи назаридан унинг айрим қисмларини бажариш .

Лойиҳалашга ўрганиш орқали болалар “предметларнинг ҳаракат йўналишлари ва жойлашиш ўрнилари (ости-усти, чапга-ўнгга, юқорига-қуйига, яқин-узоқ ва бошқалар)ни тўғри тушунтириш” га ўрганадилар.

Мактабгача таълим ташкилотларида болаларни лойиҳалаш уларда ақлий фаолият кўникма ва малакаларини шакллантириш, меҳнат ва таълим жараёнига тайёрлашга кўмаклашади.

Тасвирий фаолият мактабгача таълим ёши болаларини мактаб таълимига тайёрлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

**REFERENCES**

44. Zamiraxon, T. (2022). FOREIGN EXPERIENCE IN TEACHING THE SUBJECT OF FORMATION OF MATHEMATICAL IMAGINATION IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS AND THEIR IMPLEMENTATION. Yosh Tadqiqotchi Jurnali, 1(5), 435-442.

45. Toshmatova, Z. J. (2021). Interaction of kindergarten and family in modern conditions. ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH, 10(4), 853-860.

46. Jumanovna, T. Z. (2022). FORMATION OF A SCIENTIFIC WORLDVIEW IN CHILDREN OF PRESCHOOL AGE (ON THE EXAMPLE OF EXACT SCIENCES). INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(11), 501-504.

47. Jumanovna, T. Z. (2022). ORGANIZATIONAL AND PEDAGOGICAL CHARACTERISTICS OF PRESCHOOL EDUCATION SYSTEM ABROAD. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 10(11), 538-541.

48. Jumanovna, T. Z. (2022). FEATURES OF MATHEMATICAL DEVELOPMENT IN PRESCHOOL CHILDREN. INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(07), 117-119.

49. Toshmatova, Z., & Nematova, S. (2023). MUSICAL DIDACTIC GAMES IN PRESCHOOL EDUCATIONAL ORGANIZATIONS. Академические исследования в современной науке, 2(5), 125-137.

50. Toshmatova, Z., & Nizomiddinova, M. (2023, February). INNOVATIVE METHODS OF TEACHING THE SUBJECT OF THE FORMATION OF MATHEMATICAL REPRESENTATIONS. In Международная конференция академических наук (Vol. 2, No. 2, pp. 110-119).

51. Toshmatova, Z., & Xusanova, M. (2023). TEACHING PRESCHOOL CHILDREN TO UZBEK FOLK DANCE ELEMENTS. Development and innovations in science, 2(2), 63-70.

52. Jumanovna, T. Z., & Dilabzal, X. (2023). MUSIQA MASHG’ULOTLARIDA JISMONIY HARAKATLARDAN FOYDALANISH VAZIFALARI. Ta’lim fidoyilari, 5(2), 42-50.

53. Jumanovna, T. Z., & Shaxlo, T. (2023). MATEMATIK TASAVVURLARNI SHAKLLANTIRISH FANINI O'QITISHDA INNOVATSION USULLARI. Ta'lim fidoyilari, 5(2), 51-59.

54. Zunnunova, N. (2023). CASES THAT NEGATIVELY AFFECT THE PREPARATION OF CHILDREN FOR SCHOOL EDUCATION. International Bulletin of Applied Science and Technology, 3(5), 1071-1076.

55. Zunnunova, N. (2023). PRIORITIES FOR PREPARING PRESCHOOL CHILDREN FOR SCHOOL. International Bulletin of Applied Science and Technology, 3(5), 1046-1050.

56. Yusupova, N., & Mirxaitova, S. (2015). MUSTAQIL ISHLAR-TALABALAR MUSTAQIL FIKRLASHLARI OMILI SIFATIDA. In Сборники конференций НИЦ Социосфера (No. 51, pp. 80-82). Vedecko vydavatelske centrum Sociosfera-CZ sro.

57. Botirova, M. (2022). THE ORGANIZATION OF EDUCATION ON THE BASIS OF MODERN EDUCATION IS A GUARANTEE OF IMPROVING THE QUALITY OF EDUCATION. INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(07), 1-4.

58. Mrixaitova, S., Yormatova, S., & Xodjayeva, N. (2021, May). Teaching students to think creatively through independent education in higher education is a pressing issue. In Euro-Asia Conferences (Vol. 3, No. 1, pp. 226-228).

59. Mirkhayitova, S., & Gaipnazarova, G. S. (2022, December). Basics of Technology of the Education Process. In E Conference Zone (pp. 69-72).

60. Sohiba, M. (2022). DIDACTIC PROCESS PROJECT METHODS. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 10(12), 1450-1454.

61. Sohiba, M. (2022). APPLICATION OF EDUCATIONAL TECHNOLOGIES TO THE PROCESS OF TEACHING. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 10(12), 932-935.

62. Aminov, B., & Mirxayitova, S. (2023). THE TECHNOLOGY OF AWAKENING THE MOTIVATION OF INTEREST IN KNOWLEDGE IN CHILDREN OF JUNIOR SCHOOL AGE. American Journal of Pedagogical and Educational Research, 11, 1-5.

63. Mirxayitova, S., & Aminov, B. (2023). WAYS OF USING INNOVATION TECHNOLOGIES IN EDUCATIONAL PROCESSES. Conferencea, 47-51.

64. Maxmudjonova, A. D., & Mirxayitova, S. (2023). BOSHLANG'ICH SINFLARDA INTERFAOL METODLARDAN FOYDALANISH ORQALI TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI. Conferencea, 42-46.

65. Mirzamaxmudovna, X. J. N. (2022). THE IMPORTANCE OF VISUAL ACTIVITY IN THE SOCIALIZATION OF PRESCHOOL CHILDREN. INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(05), 94-98.

66. Mirzamaxmudovna, K. N. (2021). Spiritual And Ethical And Socialization Of Pupils Of Preschool Educational Institutions Psychological-volitional Aspects. JournalNX, 7(06), 165-168.

67. Isaxanova, M. E., Xujanazarova, N. M., & Irmatova, M. I. MODERNIZATION OF PRESCHOOL EDUCATION.(2020). European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(3), 120-124.

68. Khujanazarova, N. M. (2023). PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL FEATURES OF PREPARING EDUCATORS FOR SCHOOL EDUCATION. INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 12(03), 52-55.

69. Mirzamaxmudovna, X. N., & Raximovna, A. N. (2023). PROBLEMS OF DEVELOPMENT AND PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF PRESCHOOL CHILDREN. International Journal of Early Childhood Special Education, 15(1).

70. Hujanazarova, N. (2022). IMPORTANCE OF FAIRY TALES IN MORAL EDUCATION OF PRESCHOOL CHILDREN. International Academic Research Journal Impact Factor 7.4, 1(6), 98-104.

71. Mirzamahmudovna, K. N. (2022). THE ROLE OF NATIONAL METHODS IN THE DETECTION AND PREVENTION OF NERVOUS DISORDERS IN CHILDREN. INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(11), 505-507.

72. SALIJANOVNA, M. D. Typological Contrasts of the Russian and Uzbek Languages in the Methodological Aspect. JournalNX, 7(1), 74-77.

73. Dilafruz, M. (2023). THIS ARTICLE DESCRIBES THE ROLE AND IMPORTANCE OF DIDACTIC MATERIALS IN ORGANIZING TRAINING SESSIONS THAT MEET THE REQUIREMENTS OF THE PRESENT TIME. ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603, 12(02), 50-52.

74. Dilafruz, M. (2022). OPTIMIZATION OF PUBLIC ADMINISTRATION: INTERNATIONAL EXPERIENCE AND NATIONAL PRACTICE. ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603, 11(12), 230-235.

75. Solidjanovna, M. D. (2022). Teaching Russian Language in Universities. American Journal of Social and Humanitarian Research, 3(1), 86-88.

76. Махмудова, Д. С. О СИНОНИМИИ В ЛЕКСИЧЕСКОЙ СИСТЕМЕ РУССКОГО ЯЗЫКА. ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 7-ҚИСМ, 54.

77. Umidovich, A. B. (2022). LEGAL GROUNDS FOR THE DEVELOPMENT OF THE SPORTS INDUSTRY IN UZBEKISTAN. ASIA PACIFIC JOURNAL OF

MARKETING & MANAGEMENT REVIEW ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603, 11(11), 46-49.

78. Umidovich, A. B. (2022). PECULIARITIES OF ADAPTIVE PHYSICAL EDUCATION, ITS ROLE IN SOCIETY, IMPORTANCE. INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(11), 335-337.

79. Umidovich, A. B., Azamovich, A. M., & Ismoilovna, Y. F. (2022). Methods of education of endurance in basketball players of senior school age. international journal of social science & interdisciplinary research issn, 11(10), 105-109.

80. Саруханов, А. А., Азизов, М. А., & Аминов, Б. У. (2023, January). Новые технологии для развития силовых качеств у студентов. In INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE" THE TIME OF SCIENTIFIC PROGRESS" (Vol. 2, No. 1, pp. 217-225).

81. Akramjonovich, Y. I., Abdumalikovich, U. A., Urinboyevna, U. Z., Abduxamidovich, M. Y. I., Azamovich, A. M., & Umidovich, A. B. (2022). Main Characteristics Of Table Tennis In International Sport And Technologies Of Playing It. Journal of Positive School Psychology, 6(10), 2183-2189.

82. Umidovich, A. B. (2023). UNUSUAL VOLLEYBALL TRAINING SESSIONS. INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 12(06), 1-4.

83. Аминов, Б. У. (2023, May). СПОРТИВНАЯ ПОДГОТОВКА ЮНЫХ СПОРТСМЕНОВ. In International Conference" Modern Pedagogical and Philological Education Sciences" (Vol. 1, No. 1, pp. 50-56).

84. Aminov, B. U. (2023, May). TALABALARGA O ‘TILADIGAN JISMONIY TARBIYA DARSLARIDAGI YANGILIKLAR. In INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE" INNOVATIVE TRENDS IN SCIENCE, PRACTICE AND EDUCATION" (Vol. 2, No. 6, pp. 11-16).

85. Aminov, B. U. (2023, May). BOLALARNING SUVDAN QO ‘RQMASLIKKA VA SOG ‘LOM BO ‘LIB SHAKLLANISHIDA SUZISHNING O ‘RNI. In INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE" THE TIME OF SCIENTIFIC PROGRESS" (Vol. 2, No. 6, pp. 23-31).

86. Maxkamov, A. Y., Ahmadjonov, I. R., & Aminov, B. U. (2022). Gimnastika Mashg ‘Ulotlarida Shikastlanishi Oldini Olishni Ahamiyati. Miasto Przyszłości, 28, 273-275.